

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI**

## **ILM SARCHASHMALARI**

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komisiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo'yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.*

**2.2020**

**научно-методический журнал  
Издаётся с 2001 года**

**Urganch – 2020**

**“ILM SARCHASHMALARI” ilmiy-metodik jurnal**  
**Bosh muharrir dotsent Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

| <b>TAHRIR HAY’ATI:</b>  |  |
|---|--|
| <b>JURNAL<br/>2001-YILDAN<br/>CHIQA<br/>BOSHLAGAN</b><br><br><b>JURNAL<br/>OYDA BIR<br/>MARTA<br/>NASHR<br/>QILINADI</b><br><br><b>2020<br/>2 (152)</b> | <b>ABDULLAYEV Bahrom</b> , fizika-matematika fanlari doktori,<br><b>ABDULLAYEV Ikrom</b> , biologiya fanlari doktori, professor,<br><b>ABDULLAYEV Ilyos</b> , iqtisod fanlari doktori,<br><b>ABDULLAYEV Ravshanbek</b> , tibbiyot fanlari doktori, professor,<br><b>ABDULLAYEV O’tkir</b> , tarix fanlari doktori,<br><b>ANNAMURATOVA Svetlana</b> , pedagogika fanlari doktori, professor,<br><b>ALEUOV O’serboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor,<br><b>BOBOJONOV Bozorboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori,<br><b>BERDIMUROTOVA Alima</b> , falsafa fanlari doktori, professor,<br><b>DAVLETOV Sanjarbek</b> , tarix fanlari doktori (bosh muharrir o’rinbosari),<br><b>DO’SCHONOV Tangribergan</b> , iqtisod fanlari doktori, professor,<br><b>ERMATOVA Jamila</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent,<br><b>HAJIYEVA Maqsuda</b> , falsafa fanlari doktori,<br><b>IBRAGIMOV Zafar</b> , fizika-matematika fanlari nomzodi,<br><b>IMOMQULOV Sevdiyor</b> , fizika-matematika fanlari doktori,<br><b>JO’RAYEV Mamatqul</b> , filologiya fanlari doktori, professor,<br><b>JUMANIYAZOV Maqsud</b> , texnika fanlari doktori, professor,<br><b>JUMANIYOZOV Otoboy</b> , filologiya fanlari nomzodi, professor,<br><b>NAVRUZOVA Qurolboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor,<br><b>OLLAMOV Yarash</b> , yuridik fanlari nomzodi, dotsent,<br><b>OTAMURODOV Sa’dulla</b> , falsafa fanlari doktori, professor,<br><b>PRIMOV Azamat</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent,<br><b>QUTLIYEV Uchqun</b> , fizika-matematika fanlari doktori, professor,<br><b>RO’ZIMBOYEV Safarboy</b> , filologiya fanlari doktori, professor,<br><b>RO’ZIYEV Erkinboy</b> , pedagogika fanlari doktori, professor,<br><b>SADULLAYEV Azimboy</b> , fizika-matematika fanlari doktori, akademik,<br><b>SAGDULLAYEV Anatoliy</b> , tarix fanlari doktori, professor,<br><b>SALAYEV San’atbek</b> , iqtisod fanlari doktori, professor,<br><b>SATIPOV G’oipnazar</b> , qishloq xo’jalik fanlari doktori, professor,<br><b>XODJANIYOZOV Sardor</b> , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas’ul kotib),<br><b>YOQUBOV Jamoliddin</b> , filologiya fanlari doktori, professor,<br><b>O’ROZBOYEV Abdulla</b> , filologiya fanlari doktori,<br><b>O’ROZBOYEV G’ayrat</b> , fizika-matematika fanlari doktori,<br><b>G’AYIPOV Dilshod</b> , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, |

**MUASSIS:** Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi  
Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvohnoma  
№13-020.

*аслиҳи...наст ҳамиша настлигини қиладир....сүт билан кирган – жон билан чиқар*” ушбу мақоллар Шаҳодат муфти каби персонажлар ўй-хаёллари, гап-сўзлари қаҳрамоннинг мирзога бўлган муносабатини халқона усуlda тасвирлаган.

Тилдаги кўпгина фраземалар учун экспрессив-эмоционал бўёқдорлик ажралмас хусият ҳисобланади. Шу билан бирга, ибораларнинг асосий қисми услубий жиҳатдан нейтралдир. Чунки ибора ёрдамида у ёки бу предмет, ҳодиса номланибгина қолмасдан, ўша предмет ёки ҳодисага, шахсга муаллифнинг экспрессив муносабати ҳам ифодаланади. Масалан, асардаги хурсандликни “...димогини чоғ қилди...” (55-бет), “...оғзининг таноби узоқ саёҳатни ихтиёр қилган...” (60-бет) иборалари билан ифодаланган. Бу ибораларнинг бири ижобий баҳо оттенкасини билдиrsa, кейингиси баъзан салбий маъно нозиклигини ифодалайди. “...оғзининг таноби узоқ саёҳатни ихтиёр қилган...” ушбу ибора маҳдумнинг пул олиш жараёнидаги кувончини ифодалаб, фразема асл вариантидан ҳам кучли муболағани ҳосил қилган, бу эса қаҳрамоннинг характери, унинг юз ифодасидаги ўзига хос ўзгаришни ижодкорона тасвирлаган. Абдулла Қодирий “...шайтони зўр бўлса ҳам, инсофи чакки эмас...” (37-бет), “...икки орадан “башиарти бўлса” феълини олайлик...” (62-бет) каби паремиологик бирликларни ўзининг тили ва услубига хос импровизация қилиш маҳоратидан фойдаланиб, индивидуал тарзда ёндашган. “...шайтони зўр бўлса ҳам, инсофи чакки эмас...” мақоли маҳдум тилидан айтилган бўлиб, гарчи Шаҳидбек закотчи “шайтон”га ўхшатилса-да, маҳдумнинг унга бўлган ижобий баҳо оттенкасини ифодаламоқда. Асарда Солих маҳдум ҳамда Нигор ойимнинг Анвар билан муросага келишиш истаги ва йўли “...икки орадан “башиарти бўлса” феълини олайлик...”, “...пинжига кириб, ўз йўлига солмоқ...” иборалари орқали персонажларнинг ўзаро муносабати, характери ёрқин очиб берилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, адаб ушбу асарида образнинг характери, ижтимоий мақоми, гендери, дунёкарашини очишда паремиологик бирликлардан персонажлар тили орқали самарали фойдаланган. Шунингдек, муаллиф образга ўз муносабатини билдириш билан бирга, айни шу бирликлар асарда экспрессив бўёқни, таъсирчанликни оширишга хизмат қилган.

**Расурова Умида (ТошДЎТАУ)  
ПОЭТИК АНЬАНА ВА МИЛЛИЙ ҚИССАЛАР**

**Аннотация.** Мақолада миллий қиссаларда поэтик анъананинг бадиий талқини ёритилади.

**Аннотация.** В статье освещается художественная интерпретация поэтической традиции в национальных повестях

**Annotation.** In the article, there has been illustrated literary interpretation of poetic tradition in national stories.

**Калит сўзлар:** поэтика, ижод, қисса, анъана, миллат.

**Ключевые слова:** поэтика, творчество, повесть, традиция, нация.

**Key words:** poetics, creativity, story, tradition , nationality.

Ҳозирги глобаллашув жараёни кишилардан тезкорлик, зийракликни талаб этади. Ахборот технологиялари тараққиётга кучли таъсирини кўрсатмоқда. Муайян муддатда қабул этиладиган хабар оз сонияда дунёнинг бошқа худудига узатилмоқда. Фаол, уддабурон одамлар иқтисод, сиёsat, маданият соҳасида янги foяларни татбиқ этмоқда. Интеллектуал шахслар ҳам илму фан такомилига муносаб ҳисса қўшмоқдалар. Кўринадики, ахборот асари инсониятни тафakkur курдатидан унумли фойдаланишга чорламоқда. Дунё ҳамжамиятида фаровон турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасида халқаро муносабатлар доим кувватланган. Шу ўринда, кишиларнинг маънавияти, маданияти масаласи барча халқларда

долзарб аҳамият касб этган. Боиси, тараккиёт маърифатсиз рӯёбга ошмайди. Инсониятни саодатга етаклаган Мухаммад алайҳиссаломга ҳам ИҚРА (ўқи) илоҳий муждаси келган. Илмнинг ибтидоси мутолаадан бошланади. Асрлар давомида одамзот борлик моҳиятини китоб воситасида англаб борган. Турли соҳага оид назарий билимлар китобларда жамланиб, илму урфонни кенг истифода этган. Киши руҳиятига, тафаккурига маънавий озука саналмиш бадиий адабиёт барча касб сохибларини санъат бўстонида жамлайди. Фитрат адабиётни санъатнинг асосий тури ҳисоблайди. Ҳакиқатан, сўз санъати китобхонни оҳангдорлиги, бўёқдорлиги, таъсирчанлиги ила ром айлайди. Абдулла Қодирий эътирофича, сўз кўллашда андиша лозим. Яъни сўзни беҳуда исроф этишдан ҳамда этика, эстетикага зид ҳолатларни тасвирлашдан эҳтиёт бўлиш даркор. Ижод аҳли ўз миллий қадриятларини асари меҳварига сингдириб боради. Зеро, миллатнинг бой тарихи, санъату маданияти унинг дунё таъмаддунидаги макомини ошириб боради.

Миллий ўзлик, ғурур каби ноёб фазилатни болалиқдан руҳиятга сингдиришда хикмат катта. Замонавий қиссаларда ҳам анъана-удумларнинг талқин этилиши китобхоннинг маънавий-руҳий оламини бойитади. Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида ҳалқ эътиқоди, ғурури бадиий ифодаланади.

“Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ!

Кўп урф-одатларимизни бировлар... биревлар ўзиники қилиб олди. Биз кўлимизни бурнимизга тикиб колдик. Шундай кета берсак, ҳадемай ўзимизни-да бой бериб қўямиз!”<sup>1</sup>

Мазкур жумлада Бўри половон ҳалқ келажагидан қайғуриб айтган ҳакиқати акслangan. Сатрдаги сўрок-таъкид оҳанги, “халқ” сўзига урғу берилиши, кейинги мисраларда таъкид кучайтирилиб, мантикий урғу моҳиятини теран англашга, фикрни бир нуктага жамлашга хизмат қиласи. Талаффуз жараённида ачиниш, афсус-надомат пауза воситасида ифодалангани, “биревлар ўзиники қилиб олди”, дея яна таъкид органи изтиробни туйдиришга қаратилган. Кейинги лавҳада хавотир ҳисси қабартирилиб, юклама нафақат қайта таъкидлаш, балки персонаж вужудидаги оғрикни китобхонга етказишга хизмат қиласи. Ўзликни бой бермаслик, уни асраш борасидаги ёниқ мулоҳазалар ёшларга сабоқ бўлади.

Ёзувчи ор-номус, ғурур янглиғ фазилатни асраш ҳар бир шахснинг муқаддас бурчи эканлигини бетакрор лавҳаларда асослаб боради. Инсон ўзини ўраб турган умуминсоний мухит таъсиридан айро яшамас экан, олий мавжудотта муносиб ҳаётни яратиши мақсадга мувоғик.

Адиблар ижод жараённида доим китобхон зийрак нигоҳини ёдда тутмоғи даркор. Негаки, санъаткор ҳам, китобхон ҳам асарнинг маркази, моҳиятини бир хил кўрсин. Муаллиф англатмоқчи бўлган нарсани ўқувчи кашф этиб, тушуниб борса, мақсадга эришилади. Бадиий ижод жараённида қисса поэтикасида салмоқли ўзгаришлар рўй берган, у такомиллашиб ранг-баранг тус олган.

“Қисса жанри бутунлай ўзгарувчан, қоришиқдир. Қисса билан ҳикоя, қисса билан роман ўртасидаги чегаралар мудом янгиланиб боради”.<sup>1</sup>

Жанрнинг гибридлашуви ҳамда услубий ранг-барангликнинг ортиб бориши асар поэтикасини бойитмоқда. Ижодкор илмий техниканинг киши тақдирига таъсири борасида асар яратар экан, романтик, символик талқин йўсунинида мотивларни бирлаштириб боради. Ҳожиакбар Шайховнинг “Аждодлар хотираси” қиссасида қаҳрамон саргузашти метафорик образ ва тасвирлар уйғунлигига ташкилланади. Ўтмиш ҳамда келажак ассосацияси воқеани таранглаштиради. Қиссада хронотоп ўзгариб, ибтидоий инсон яшаган макон, фордан замонавий иншоотларга кўчиб туради. Камол генетик хотира қуввати ила мозийга сайр этиб, аввал маймун, сўнг овчи қиёфасига киради. Инсон ҳайвоний вужудда унга хос ҳаракатларни бажарар экан, эврилиш мотиви поэтик ҳукмга ишора қиласи. Кейинги сирли

<sup>1</sup> Т.Мурод. От кишинаган оқшом. Қиссалар. Т., “Шарқ”, 1994, 43-бет.

<sup>1</sup> Головко В. Поэтика русской повести. 1992, с. 6.

манзара Камолнинг бепоён төг ҳудудидаги қабила удумига исёнида кузатилади. Муқаддас қоя теграсидаги ёгузлик ва ёвузылк кураши инсон вужудида пўртана ҳосил этади. Ибтидоий одамнинг руҳлардан мадад кутиши, курбонлик келтириш маросими мифология коришиклигида акс эттирилади. “Бадий характер яратишда онг оқими ривоя техникаси қаҳрамоннинг мураккаб руҳий дунёси, психологиясини очиб беради”<sup>1</sup>.

Илмий қашфиётларни бадий характерда талқин этиш, ғайришурий, ноодатий ҳолатларни кўрсатиш, воқеа-ҳодисаларни бўрттириб тасвирилаш фантастик киссаларга хос тамойил саналади. Бундай асар хронотопи курраи заминни ўз теграсига бириктиради. Улардаги мўжизавий ҳолатлар, руҳоний-хиссий муносабатлар матн бадииятини мустаҳкамлайди. Инсон ботиний ҳамда зоҳирий қуввати ила ўзга олам вакиллари билан мулоқотга киришар экан, жонли ҳаёт эфекти юзага келади. Қаҳрамон тафаккур ҳаракатининг бадий тасвири мавжуд ҳолатга сирлилик, бўёқдорлик баҳш этади. Камолнинг сезги идроки оний лаҳзадаги ўзгаришларни тезда илғаб олади. Овчи тимсолидаги йигит муҳаббат боис қизни ёвуздардан ҳалос этиб, тинч манзилни ихтиёр айлайди. Камол одамзотнинг олис уйғониш даврига ташриф буориб, макону замондаги тафовутни мукояса қилади. Афсона йўсунидаги эпизодлар образлиликни юзага келтириб, ўзига хос кўламдорлик, ифодавийликни уйғун бириктиради. Одам миясининг серқатламлиги, қувваи ҳофиза қудрати борасидаги илмий мулоҳазалар бадий мантиқ устуворлигини таъминлаган. Шахснинг ғайриқубт билан мулоқоти коммуникация жараёнини жонлантирган. Эътиқодий қарапшлар негизида кишиларнинг илоҳий муждага интилиши теран ёритилган. Асрлар давомида инсон ўзини қашф этишга ошиқаётгани, турли вазиятдан аклу заковати ила ҳақ йўлга талпинаётгани маълум бўлади. Метафорик тафаккур инсон тахайюлини янги оламга чорлаши фантастикага эътибор ортаётгани белгисидир.

Исажон Султоннинг “Онаизорим” кисасида оила маънавияти яхлит полотнода тасвирланади. Болаликдан одоб-ахлоқ аҳкомларини сингдириш, набототу ҳайвонотга оқибатни уқдириш асар лейтмотивини белгилайди. Хусусан, оиласда, ота-она ўргасидаги меҳрсадоқат, бурч каби фазилатлар ҳаётй лавҳаларда тақдим этилади. Киссада асрлар мобайнида ўзбек оиласида риоя этилаётган муҳташам анъаналар боскичма-боскич акс эттирилади. Асарда миллий, маданий анъаналар негизига курилган мотивлар сюжетни жонлантириб, воқеаларни таъсири ёритади. Фарзандни болаликдан орасталик, саранжомликка ўргатиш борасида зарур ўғит берилади: “Мехнатдан кочма, муомалангни ширин кил, жилмайиб гаплаши. Ярим соат кам ухласанг ухлабсан, уйқуга ётишингдан аввал ҳаммаёқ чиннидай саранжом бўлсин. Ҳар қилган тўғри ишинг ота-онангта раҳмат олиб келади, сал нотўғри иш қилсанг, маломат олиб келасан. Иложи борича, кам гапир, бир нима сўрашсана жавоб бер, чехрангни оч”<sup>1</sup>.

Мазкур лавҳада оқила, фаросатли она маъсума қизига келинлик бурч, вазифаларини эслатар экан, бу ақоидлар мустаҳкам оила пойдеворига асослигини идрок этасиз. Ибратор-муз лавҳалар ёш қизларни турмушга, оиласа масъулият нигоҳи-ла боқишига туртки бўлади.

Киссада жонлантириш, сифатлаш каби бадий воситалар инсоннинг табиат билан мулоқотини фаоллаштиради. Мусича, қалдирғоч, карқуноқ, зағча, қизилиштон, калхат янглиғ қушлар оиласи, полапонини вояга етказиш машаққати эркин ифодаланади. Қушлар турмуш тарзи қаҳрамон ҳаётига параллел чизилар экан, фалсафий, мажозий мазмун мувофиқлашади. Олма, беҳи дараҳтлари вақт мезонига ойдинлик киригади. Уларнинг новдаликдан кексаликкача даври инсон умри саҳифасига монанд қамраб олинади. Олам моҳиятини англаш қаҳрамоннинг мураккаб руҳий кечинмалари негизида кечади. Инсон ибтидосидан интиҳоға кадар фоний дунё деган маконда синовдан ўтади. Халқ донишмандлигининг турли лавҳаларда акс этиши азалий кадриятлар барҳаётлигини далиллайди. Инсон хотириасида бегубор болалик, ёшлиқ дамларининг тиник манзараси серқатламликни исти-

<sup>1</sup> Т.Жўраев. Онг оқими модерн. Фарғона, 2009, 59-бет.

<sup>1</sup> И.Султон. Боғи Эрам. Кисса ва хикоялар. Т., ”Шарқ”, 2015, 50-бет.

фода этади. Ота маконга меҳр у ердаги ўсимлигу ҳайвонотни эъзозлаш, яратувчанлик иштиёқини сўндиримаслика кўринади.

“...ижод жараённида воқелик санъаткор онги-ю қалбидан ўтказилиб, моделга айлантирилган бўлса, ўқиш жараённида ўша модель воситасида ижодий жараён тикланади – бадиий воқелик қайтадан яратилади”.<sup>1</sup>

Асрнинг бадиий-эстетик қиммати тингловчи кузатувчининг иштирокчига айланишига туртки беради. Санъаткор қаҳрамонини тадрижийлик асосида бадиий гавдалантириар экан, хур, озод шахс концепциясини сингдиришга интилади. Синчков ўкувчи муаллиф фалсафий мулоҳазасини, психологик талқинини уқиб олади. Қиссалардаги турли поэтик образлар, метафорик тасвиirlар бадиий ифода синтезини мустаҳкамлайди. Китобхон руҳий-эстетик оламини бойитувчи миллий тасвирий воситалар эзгу мақсадга йўналтирилади. Халқ ижодини, мъянавий ҳазинасини сабот билан ўзлаштириш янгича тафаккур шаклланишига замин яратади.

**Худайберганова Умида (ЎДЖТУ мустақил изланиувчиси)  
БИЗГА ҲАМНАФАС ШОИР**

**Аннотация.** Ўзбек ҳалқининг оташнафас шоири Аваз Ўтар XIX асрнинг охири – XX аср бошларида яшаб ижод этди. Элпарвар шоир ўзининг қисқа, аммо сермазмун ҳаётидан салмоқдор ижодий мерос қолдириди. Шоирнинг ижодини ўрганиши билан унинг қайноқ ватаннтарварлик түйғуси орқали у яшаган даврнинг тарихи, қарашларидан огоҳ бўлиш мумкин.

**Аннотация.** Аваз Утар выдающийся поэт-гуманист узбекского народа. Он жил в конце XIX и в начале XX веков. Пламенный поэт за свою короткую, но плодотворную жизнь создал богатое поэтическое наследие. Изучая творчество Аваза Утара, мы можем узнать не только о его патриотизме, но и его политические взгляды и историю того времени.

**Annotation.** Avaz Utar was a humane poet of the Uzbek people. He lived in the late XIX and early XX centuries. The flamboyant poet wrote many poems throughout his short but productive life. Studying his work, we can learn not only about his patriotism to the Motherland, but also the history and political views of the time.

**Калим сўзлар:** маърифат, ижтимоий-сиёсий, ҳукмронлик, давлат бошқаруви, тарқиёт, имтифоқ, ҳамёниҳатлик, вассал.

**Ключевые слова:** просвещение, социально-политический, управленческий, государственное управление, прогресс, союз, солидарность, вассал.

**Key words:** education, socio-political governance, public administration, progress, union, solidarity, vassal.

Ўзбек ҳалқининг оташнафас шоири Аваз Ўтар XIX асрнинг охири – XX аср бошларида яшаб ижод этди. Элпарвар шоир ўзининг қисқа, аммо сермазмун ҳаётидан салмоқдор ижодий мерос қолдириди.

Аваз Ўтар ўғли 1884 йилда Хива шаҳрида машхур табиб ва мохир косиб Полвонниёз Ўтар Гадойниёз оиласида дунёга келди. Шоирнинг отаси илм-маърифат кишиси бўлган. Уларнинг уйида шеъриятга, санъат, илму урфон намояндалари иштирокида мушоира ва сухбатлар бўлиб турган.

Аваз Ўтар болалигидан илм-маърифатга меҳр қўйди. Айниқса, адабиётга алоҳида ихлоси баланд эди. Ўз замонасанининг шоирлари Огахий, Мунис Хоразмий, Мутриби Хонахаробийлар таъсирида шеърлар ёза бошлади.

<sup>1</sup> Куронов Д. Чўлпон наери поэтикаси. Т., “Шарқ”, 2004, 59-бет.

## MUNDARIJA

### QISHLOQ XO'JALIGI

|  |   |
|--|---|
| Хамза Ибрагимов Аминбаевич, Каримов Равшанбек Аллаярови. Хоразм вилояти шароитига мос янги ўзга навлари..... | 3 |
|--|---|

### FALSAFA

|   |    |
|---|----|
| Салимов Бахридин Лутфуллаевич. Тасодиф диалектикасининг инсон тафаккурида тутган ўрни (Янги даврдаги инглиз ва француз фалсафасининг таҳлили мисолида)..... | 8  |
| Асатуллоев Иномжон Абобакир ўғли. Глобаллашув шароитида инсоннинг эмоционал ва интелектуал инкирози масаласи.....   | 11 |
| Жумаева Шохидা. Шахсни миллий тарбия асосида тарбиялашда оиланинг ўрни ва роали.....  | 14 |
| Сайдова Мухаббат Гаффаровна. Толерантность – основа мира и стабильности.....  | 16 |
| Ravshanova Mahfurat Murod kizi. Traditional Values of Japan and Uzbekistan as a Factor in Preserving National Identity in the Context of Globalization..... | 19 |

### TURIZM

|   |    |
|---|----|
| Музаффаров Асрор Мамалатипович. Замонавий туризмнинг моҳияти, турлари ва функциялари..... | 23 |
|---|----|

### TILSHUNOSLIK

|   |    |
|---|----|
| Зияев Аваз Ихтиёрович. Интенсификация-деинтенсификациянинг қўшма гапларда ифодаланиши ва матн шакллантириши.....                                  | 28 |
| Radjabova Marjona Axmadovna. Дунё тилшунослигига ономастик компонентли фразеологик бирликлар бўйича илмий-назарий қарапашлар ва муносабатлар..... | 31 |
| Карабаева Барно. Когнитив тилшуносликка доир илмий мулоҳазалар.....   | 39 |
| Умуркулов Зафар. Қиёс бадиий матннаги муҳим лингвопоэтик восита сифатида.....   | 44 |
| Курбанов Музаффар Абдумуталибовиҷ. Мулоқотда паралингвистик компонентлар таъсирида сўзларнинг турли маъноларни ифода этиши.....                   | 48 |

### ADABIYOTSHUNOSLIK

|  |    |
|--|----|
| Эшниязова Айимхон. Қиссада қисмат тафтиши.....   | 54 |
| Сотиболдиева Сарвиноз Рузиевна. Ризо Амирхонийнинг “Унинг мени” ижтимоий-тарихий романни поэтиксига оид баъзи мулоҳазалар..... | 58 |
| Равшанова Гулрухбеким Қаҳрамон қизи. Абдулла Ориповнинг ҳажвий киёфа яратиш усуллари.....                                      | 61 |
| Obidjonova Ma'suma Qosimjon qizi. Jahon adabiyotida mitti hikoya janrining genezisi.....                                       | 65 |

### PEDAGOGIKA

|  |    |
|--|----|
| Йўлдошев Муроджон Равшанович. Ёш футболчи қизларнинг координацион қобилиятларини такомиллаштириш усулини тадқиқ этиш.....                            | 69 |
| Халикова Лиля Сагдуллаевна. Мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини жисмоний тарбия ёки спорт машғулотларида назорат қилиш усуллари..... | 72 |
| Sulaymonova Tanzila Zoir qizi. O'quvchi-yoshlar tarbiyasida kitob mutolaasining ahamiyati....  | 76 |
| Юсупов Равшон Собиржанович, Мейлиев Ҳусин. Структура системы многолетней спортивной подготовки футболистов.....                                      | 80 |
| Ҳусанова Машхура Каҳрамановна. Методы и инновационные технологии в обучении студентов машиностроительного института.....                             | 84 |
| Шеров Закир. Дифференцированная методика тренировки студентов в беге на короткие дистанции на этапе углубленной специализации.....                   | 87 |
| Abdujabborova Kamola. Key Factors Affecting Language Acquisition Development of Efl Learners.....  | 92 |

## ILMIY AXBOROT

---

|   |     |
|---|-----|
| <b>Turdiyeva Hulkar Komilovn.</b> Nutqiy akt lingvopragmatikasi: fors va o'zbek tillarida xayrashuv<br>birliklari.....              | 96  |
| <b>Абдуқаҳхоров Сардорбек Акрамжон ўғли.</b> Глобаллашув жараёнида нутқ маданияти тенден-<br>циялари.....                           | 101 |
| <b>Usmonov Aslam.</b> Bog'lovchilarning badiiy matnda pragmatik xususiyatlari.....  | 103 |
| <b>Примов Азамат Искандарович.</b> Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асаридаги ки-<br>йим-кечак ва безак буюмлари лексикаси..... | 106 |
| <b>Shamuratova Intizor Bekchan qizi.</b> Transliteratsiyaning badiiy matnda qo'llanilishi.....                                      | 110 |
| <b>Жўраева Мадинахон.</b> Ислом тарихида биобиблиографик лугатлар эволюцияси.....   | 113 |
| <b>Jumayeva Zubayda Shavkatovn.</b> Frazeologik birliklarning lingvokulturologik tadqiqi.....                                       | 117 |
| <b>Баротова Мубашира.</b> Фразеологизмларнинг ўзига хос хусусиятлари (Э.Аъзам асарлари ми-<br>солида).....                          | 121 |
| <b>Сайдакбарова Соодат Пархаджановна.</b> Ўзек ва инглиз гастрономик фразеологизмларнинг<br>таржимасидаги ўхшашликлар.....          | 124 |
| <b>Нармуратов Зайниддин Раджабович.</b> Инглиз халқ мақолларида миллийлик ва универсаллик<br>хусусиятларининг ифодаланиши.....      | 128 |
| <b>Зиётова Сурайё Эркин қизи.</b> “Мехробдан чаён” асарида паремияларнинг кўлланили-<br>ши.....                                     | 133 |
| <b>Расулова Умида.</b> Поэтик анъана ва миллий қиссалар.....  | 135 |
| <b>Худайберганова Умида.</b> Бизга ҳамнафас шоир.....   | 138 |
| <b>Султонова Нилуфар Нарзуллаевна.</b> Исажон Султон “Генетик” романининг услубий хусу-<br>сиятлари.....                            | 142 |
| <b>Лола Самандарова.</b> Комил Аваз шеъриятида фольклоризмларнинг кўлланилиши.....  | 148 |
| <b>Искандарова Шарифа Мадалиевна, Ашурев Дилмурад Ахмадалиевич.</b> Халқ достонлари –<br>лингвомаданий бирликлар фонди.....         | 152 |
| <b>Каршибаева Улжан.</b> А.Конан Доил асарларида кучли ва кўрқмас персонажлар.....  | 157 |
| <b>Хулкар Мухаммедова.</b> Инглиз адабиётида аёллар насли гендер тадқиқотлар аспектида...<br>161                                    |     |
| <b>Ражабов Фахриддин Тошпӯлотович.</b> Нуроталик тожикзабон ижодкорлар хақида мулоха-<br>залар.....                                 | 164 |
| <b>Мухаммедова Нилуфар.</b> Инглиз адабиётида шарқ аёли портрети.....   | 168 |
| <b>Қурбанова Элнура Ғайбуллоевна.</b> Мумтоз адабиётда ирфоний мазмун бадиий талқинининг<br>тадрижий такомили.....                  | 171 |
| <b>Қурбанова Саида.</b> Ҳуршид Дўстмуҳаммад бадиий публицистикасида шахс концепция-<br>си.....                                      | 175 |
| <b>Eshmo'minova Tursunoy Boynazarovna.</b> Bolalarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishda badiiy<br>adabiyotning o'rni.....    | 178 |
| <b>Рамазанова Шоира.</b> Специфика представления композитов в «Словообразовательном сло-<br>варте русского языка» А.Н.Тихонова..... | 181 |
| <b>Маткаримова Джамиля Дурдиевна.</b> Стратегия развития третьего сектора в разных стра-<br>нах.....                                | 183 |
| <b>Iskanova Nasiba, Bobokulova Gulchiroy.</b> The Beneficial Influence of Reading Books in Realizing<br>the World Better.....       | 188 |
| <b>Xujaniyozova Hilola Turayevna.</b> The Importance of Stylistic Devices in the Court of Judicial's<br>Speech.....                 | 192 |
| <b>Egamberdiyeva Nodira Khamidovna.</b> Assessment Strategies to Enhance Students' Progress in<br>Learning.....                     | 194 |